

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ЖАЛҚ СҮЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



2001 йил 14 сентябрь
жума
Сотувда эркин нархда
№ 190 (2752)

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI VA ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAJLISINING GAZETASI

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTI ISLOM KARIMOV JANOBИ OLIYLARIGA

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги кунини муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига ва мамлакатингиз халқига Бахрайн Давлати халқи ва ўз номидан самимий табриклар ва эзгу тилаклар йўллаш менга катта мамнуният бахш этади.

Ушбу фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига солиқ ва бахт, мамлакатингиз халқига эса доимий фаровонлик тилайман.

Самимий эҳтиром ила,

Хамад бин Исо Ал-ХАЛИФА,
Бахрайн Давлати Амيري.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTI ISLOM KARIMOV JANOBИ OLIYLARIGA

Жаноби Олийлари,
Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги кунини муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига ва халқингизга Қатар Давлати ҳукумати, халқи ва ўз номидан самимий табриклар ва эзгу тилаклар ҳамда Сиз, Жаноби Олийларига бахт-саодат, дуст ўзбек халқига эса доимий фаровонлик ва равнақ тилакларини йўллаш менга катта мамнуният бахш этади.

Хамад бин Халифа Ас-СОНИЙ,
Қатар Давлати Амيري.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTI ISLOM KARIMOV JANOBИ OLIYLARIGA

Жаноби Олийлари,
Мамлакатингиз Миллий байрами нишонлар экан, Сиз, Жаноби Олийларига ўзининг самимий табрикларини ва эзгу ниётларини ҳамда Сиз, Жаноби Олийларига мустақам солиқ ва бахт-саодат, дуст ўзбекистон халқига эса давомий тараққиёт ва фаровонлик тилакларини йўллаш менга катта мамнуният бахш этади.

Жосим бин Хамад Ас-СОНИЙ,
Қатар Давлат Валлоҳиди.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTI ISLOM KARIMOV JANOBИ OLIYLARIGA

Жаноби Олийлари,
Мамлакатингиз қутлуғ байрам — Мустақиллик кунини нишонлар экан, Сиз, Жаноби Олийларига, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва халқи Гамбия ҳукумати, халқи ва ўзининг самимий табрикларини ва эзгу тилакларини йўллайман.

Ушбу фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига мустақам солиқ ва бахт-саодат, халқингизга эса равнақ ва фаровонлик тилайман.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул этгайсиз.

Яхъя ЖАММЕХ,
Гамбия Республикаси Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTI ISLOM KARIMOV JANOBИ OLIYLARIGA

Жаноби Олийлари,
Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик кунини нишонлар экан, Сиз, Жаноби Олийларига, Ўзбекистон ҳукумати ва халқи шаҳсан ўз номидан ва Жанубий Африка Республикаси ҳукумати ва халқи номидан самимий табриклар йўллайман.

Жанобий Олийлари, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

Табо Мвуелва МБЕККИ,
Жанубий Африка Республикаси Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTI ISLOM KARIMOV JANOBИ OLIYLARIGA

Жаноби Олийлари,
Ўзбекистоннинг Миллий кунини муносабати билан Сизга қизгин қутловларини йўллаш мен учун шарафдир.

Икки томонлама муносабатларимизга хос бўлган самимий ҳамжиҳатлик муҳитини мустақамлашнинг давом эттиришига ҳукуватимнинг алоҳида қизиқишини изҳор қилишни истардим.

Мексика халқи ва ҳукумати номидан Ўзбекистон халқи ва ҳукуматига ўз қутловларини изҳор этар эканман, Сиз Жаноби Олийларига бўлган гоят юксак эҳтиромимни яна бир бор таъкидлаш шарафига муяссарман.

Висенте Фокс КУЗСАДА,
Мексика Қўшма Штатлари Президенти.

(Давоми 2-бетда).



«БУЮК МЕРОС ВА ЗАМОНАВИЙ ЦИВИЛИЗАЦИЯ»

13 сентябр кунини Бухорода бошланган II Халқаро Ибн Сино ўқишлари ана шундай номлади. Илмий анжуманда 20 га яқин халқаро ташкилотлардан ҳамда АҚШ, Россия, Латвия, Эрон, Хиндистон, Марказий Осиё давлатларидан келган тиббиётшунос олимлар, тадқиқотчилар иштирок этмоқда. Халқаро анжуман иштирокчилари дастлаб буюк бобомиз Абу Али ибн Синонинг Бухородаги ёдгорлигини зиёрат қилди.

«Бухоро-Палас» меҳмонхонасининг мажлислар залида халқаро илмий-амалий анжуманнинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда Бош вазир ўринбосари Х.Кароматов сўзга чиқди. Истиқбол йилларида жаҳон цивилизацияси тараққиётга улкан ҳисса қўшган буюк мутафаккир, ватандошимиз Абу Али ибн Синонинг бой илмий-тиббий меросини ўрганишга катта эътибор берилмоқда. Президентимиз Фармони билан Халқаро Ибн Сино жағмараси тўзилди.

Уч кун давом этадиган II Халқаро Ибн Сино ўқишларида асосан СПИД ва гиёҳвандлик муаммолари муолажасига бағишланган қўллаб маърузалар тингланди. Улардан энг яхшилари таллаб олинди, тиббиёт ўқув юрталарида қўлланма сифатида фойдаланялди.

Халқаро анжуманда Бухоро вилояти ҳокими С.Хусенов иштирок этди.

ИЛХОМ САФАР,
ЎЗА мухбири.

Мустақиллик байрами арафасида эса «Чиноз тўқимачи», «Кобула-Фаргона Компани» қўшма корхоналари барпо этилди. Улар қўшма равишда 37 миң тонна нахтани қайта ишлаш имконини беради.

СУРАТДА: Тўйтендаги «Кобул-Ўзбек Ко» қўшма корхонасининг калавалочиси Севара Сафарова ўз ишдан мамнун.

Даврон АХМАД олган сурат.

«Кобул-Ўзбек Ко» қўшма корхоналари, «Наманган-Текстиль» акциядорлик жамияти, «Қаштекс», «Гурлан» ва «Антекс» тўқимачилик мажмуалари шулар сирасига киради.

Булار республикамиз иқтисодиёти ривожига қай даражада ҳисса қўймоқда? Биргина мисол. Тўқимачилик маҳсулотлари экспорти ҳажми 10 миллион АҚШ долларидан 120 миллион АҚШ долларига кўлайди, 10 миңга янги иш ўрни яратилди.

Мустақилликка эришганимизга қадар мамлакатимизда янги тўртта йirik тўқимачилик комбинати мавжуд эди. Сўнги беш йил мобайнида эса замонавий талаблар асосида нахта толасини қайта ишлайдиган ўн тўртта нахта тўқимачилик мажмуи куриль, фойдаланишга топширилади. Тошкент ва Тўйтендаги иккита катта фабрикани бирлаштирган «Кобул-Ўзбек Ко», «Косоний-Текмен», «Поп-Фен», «Асман Текстиль», «Қо-

Шарҳловчи минбари

ИНСОН ЯХШИЛИККА ЯРАЛГАН

Тошкентимизнинг қоқ марказида Сайилгоҳ деган сўлим кўча бор. Бу ерда транспорт воситалари ҳаракат қилмайди. Кўчанинг бутун саҳни, унга туташиб кетган серфайз гўшалар — ҳамма-ҳаммаси хордиқ чиқариш истагида келган одамлар ихтиёрида. Бу одамлар қимлар дейсизми? Тошкентликлар, бошқа жойлардан келган пойтахт меҳмонлари. Сайилгоҳ бошида юзлаб ўйинчоқлардан кўзингиз қамашади. Амир Темур хиббони сари юрсангиз анвойи таомлару ноёб кўргазмалар бикқатингизни ўзига тортади. Бир жойда ўнлаб рассомлар ёш йигит-қизларнинг сиймосини полотнога туширмоқда.

Кимдир олис юртдан келган меҳмонга изоҳ берапти: «Бу бизнинг Арбат ёки Бродвейимиз». Шунда мен галати ҳолатга тушдим. Бу қандай тақос? Оқшом соат 23 дан кейин ҳам шу жаннатноманд жойда бемалол, ховотирсиз сайр қилиш мумкин. Лекин ҳозир Арбат кўчасида шундай завқни туя оласизми? Бизнинг Сайилгоҳга бошқалар ҳавас қилишсин. Болаларини етаклаб, елкасида кўтариб юрган оналаргина эмас, яқин ўртоғи билан томошга чиққан жажжи болакайлар ҳам кўнглида заррача хавотирсиз айланиб юришибди. Гарчи оқшом тушганига қарамай атроф ёп-ёруғ, одамларнинг дилида ҳам ёруғ кайфият.

Шундай оромбахш манзара қаерда бўлиши мумкин? Фақат тинчлик, осойишталик барқарор юрда. Қаранг, осмонимиз нақадар мусоффо, кўнглиларимиз хотиржам ва чароғон. Шундай ажиб файзу тароват бизни эртанги кунимиз бундан-да ёруғ, нурли бўлишини аналтмайдимми?!

Сезиб турибман, «Намунча озгиндан бол томади, ахир муаммолардан кўз юмолмаймиз-ку?» дея эътироз билдирувчилар бўлиши мумкин. Тўғри, ҳаётимизда муаммолар бор. Ер юзининг қайси бурчаги муаммодан холи? Мана, дунёнинг энг тараққий этган минтақаларида ҳам бизникидан каттароқ қийинчиликлар кўзга ташланиб турибди. Лекин, энг муҳими эртанги кунга ишонч вужудимиздан, шууримиздан жой олгани эмасми?

Президентимиз парламентнинг олтинчи сессияси минбариде «Инсон яхшиликка яралган» деган каломини айтди. Ҳа, ўз меҳнати, шижоати билан мустақил давлат заминини яратган она халқимиз кўнглига ёруғ ниятлар билан фаровон жамият сари интиломоқда. Бу йўлда ҳар биримизга эзгу орзулар йўлдош бўлсин, Яратганнинг ўзи балоқазолардан асрасин!

Шухрат ЖАББОРОВ.

Сувнинг ҳам сўроғи бор

ИККИ ЮРТНИНГ КУМУШ БЕЛБОҒИ

Мамлакатимизда АҚШ халқаро тараққиёт агентлиги (ЮСАИД) ҳомийлигида Марказий Осиёда табиий ресурсларни бошқаришни такомиллаштириш лойиҳаси ишлаб чиқилган бўлиб, унга Пахтаобод ва Илбоскан туманлари, Қирғизистон Республикасининг Новкент ҳамда Бозорқўрғон туманларидан ўтувчи «Пахтаобод» каналини автоматлаштириш ҳам киритилган эди. Айни кунларда мутахассислар ана шу лойиҳа устида кўзгини иш олиб боришмоқда.

Сувнинг ҳам сўроғи бор. Қаерда ундан тежаб-теглаб фойдаланишга, уша ер туғлаб-яшнайдиган, қутулган нагизга эришялди. Аксинча бўлса-чи? Унумдор ер захқаш бўлиб қолди ёки гиёҳ битмас қақроқ хуудуга айланган эди. Кейинги йилларда ана шундай ҳолатларга тушиб қолмаслик учун жиддий чоралар қўрилагани бежиз эмас. Негаки, Марказий Осиёда сув ҳўжалити муаммолари бутун дунёга маълум. ЮСАИДнинг ана шу лойиҳадан кузлаётган мақсади сувдан

алоҳида таъкидлаш ўринлидир. — Каналнинг бошқарув масканлари учун биз 100 миң АҚШ долларлик замонавий жиҳозлар, жумладан, компьютер ва принтерлар, факс ҳамда даво телефонлари келтирармиз, — дейди ЮСАИДнинг сув ҳўжалити бўйича эксперти жаноб Жеф Ротселл. — Андижонда, бошқаруви узида марказий бошқарув масканни ташкил этилади. Натияжада қирқ километра қўзилган канални бир жойдан туриб бошқариши, сувнинг ҳар қатрасидан тежаб-тергаб фойдаланиш имкони яратилади.

ЮСАИД канални мадакали мутахассислар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратаёттир. Шу мақсадда Тошкент ва Андижон шаҳарларида компьютер ва бошқа илғор техника воситаларини фойдаланишни ўргатиш бўйича ўқув машғулотлари ташкил этилди. Сув ҳўжалити ходимларидан элдик нафратига махсус сертификат берилди.

Мустақил юртнинг кумуш белбоғларидан бири бўлган «Пахтаобод» канални икки мамлакат халқлари ўртасидаги дустлик, биродарлик, қўнқўшчилик ришталарини янада мустақамлашга, иқтисодиётнинг равнақ топишига хизмат қилади.

Шу ўринда АҚШнинг ривожланаётган давлатларга кўрсатаётган техник ёрдамининг

О. ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг БАЁНОТИ

11 сентябрь кунини АҚШда содир этилган ва минглаб одамларнинг ҳаётига зомин бўлган гайринисоний террорчилик ҳаракатлари Ўзбекистон халқини қаттиқ гўзаблантирди ҳамда қўқур ларзага соғди.

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов АҚШ Президенти Жорж Бушга йўлдан мактубида бу ваҳишона қўпуровчиликни қораллади ва даҳшатли буюклик - террорчиликка қарши курашда бирлашиш зарурлигини таъкидлади.

Бутун кунда террорчилик бутун дунёда тинчлик ва хавфсизликка жиддий таҳдид солмоқда.

Ташқи ишлар вазирлиги шунини таъкидлаш зарур деб ҳисоблайдики, Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо мамлакатлар орасида биринчи бўлиб террорчилик, унинг қўриқчилари, молиявий манбаларига қарши

курашга қаратилган қарорларнинг сўзсиз ижросига оид ишларни мувофиқлаштирувчи махсус халқаро тузилма ташкил этиш мақсадида мувофиқ эканлиги тўғрисидаги масалани илгари сурган эди.

Ўзбекистон икки мартаба — 1999 йилда ЕХТнинг Истанбул анжуманида, 2000 йил БМТнинг Мингйиллик Саммитида — БМТ таркибиде террорчиликка қарши кураш халқаро марказини ташкил этиш ташаббуси билан чиқди.

Тошкентда ўтган «Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорлиқни мустақамлаш: гиёҳвандлик, уошган жиноятчилик ва террорчиликка қарши курашга яхлит ёндашув» мавзусидаги халқаро конференциянинг яқиний бўлиб ўтгани Марказини ташкил этиш зарурати таъкидланган эди. Ушбу ҳуж-

жат, ўз навбатида, БМТ Бош Ассамблеясининг 2000 йил 15 декабрдаги қарори билан маъқулланган.

Кўпгина давлатлар бу ташаббусни қўллаб-қувватлаган бўлса-да, у ҳозирча амалга оширилмапти.

АҚШдаги фожиаи воқеалар муносабати билан БМТ Хавфсизлик Кенгашининг террорчилик тажовуларини қораловчи ва Бош Ассамблеянинг 56-сессияси очилиш кунини қабул қилинган фахлуллода қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси БМТ Бош қотибига террорчиликка қарши кураш халқаро марказини ташкил этиш учун амалий ва кечкиртириб бўлмайдиган чораларни қўриш тақлифи билан мурожаат қилишни ўз бурчи, деб ҳисоблайди.

Тошкент.
2001 йил, 13 сентябрь.

АҚШДАГИ ПОРТЛАШЛАРНИНГ МОЛИЯ БОЗОРЛАРИДАГИ ТЎЛҚИНИ

11 сентябрь кунини портлашлар ҳақида хабар келиши билан Нью-Йорк Фонд биржаси ёпиб қўйилди. Хавфсизликни таъминлаш ва тури молиявий найрангларнинг олдини олиш мақсадида 12 сентябрь кунини ҳам биржада очилмади.

Европадаги фонд бозорлари ҳам АҚШдаги воқеалардан таъсирланмай қолмади. Франкфурт биржаси индекси 9, Миланики 7,8, Парижники 7,4, Стокгольмники 7,5, Амстердам бир-

жаси кўрсаткичи эса 7 фоиз камайган. Лондон фонд биржаси кўрсаткичи эса 5,7 фоизга пасайган, бу 82,6 миллиард АҚШ долларини демалди.

Лондон биржасида олтин бирлигини 7 фоиз қимматлашди. Ҳозир бир унция олтиннинг нархи 290 долларга чиққан. Бу ҳолат кўпичина уруш ва иқтисодий танглик пайтала кузатилади.

Нефть нархи ҳам 13 фоиз ошиб, 31 долларга етди. АҚШ-

даги фожиадан сўнг Яқин Шарқдаги аҳвол янада кескинлашиб ҳақидаги гап-сўзлар «қора олтин»нинг нархини янада ошириши мумкин.

Осиёга АҚШдаги фожиа ҳақидаги хабар ярим тунда етиб келди. Эртасига эса минтақадagi молия бозорлари очилиши билан қўрқинчидар кескин тушиб кетди. Япониядаги Никкей индекси рекорд даражада пасайди, мутахассислар 17 йилдан буён бундай паст кўрсат-

кич кузатилмаганини таъкидлади. Гонконг, Жанубий Корея ва Сингапур бозорларидаги кўрсаткичлар бундан ҳам паст даражага тушган.

Нью-Йорк ва Вашингтондаги портлашларнинг дунё иқтисодиётига зарарини тўғлинича ҳисоблаб чиқилганга яна бир неча кун керак бўлади.

Элмурод ЮНУСОВ,
ЎЗА шарҳловчиси.

Террорчиликни жиловлаш зарур

Америка Қўшма Штатларининг Нью-Йорк ва Вашингтон шаҳарларида бўлиб ўтган портлашлардан сўнг бошланган ваҳима молия бозорларини ҳам четлаб ўтмади.

Америка Қўшма Штатларининг шаҳарларида террорчиликнинг қўқур хуружи бутун дунё аҳли билан биргаликда эҳ, ўзбекистонликларни ҳам ларзага соғди. Исоният тарихида хали бу каби даҳшатли воқеа юз бермаганиди. Нега уни минглаб одамлар ҳалок бўлди. Ҳўш, уларнинг гуноҳи нима эди?

Юз берган воқеа буғунги кунда терроризм халқаро миқёсда чиқиб олганлигини яна бир марта исботлади. Биз, катта ҳаёт йўлини босиб ўтган қарилар ана шундай офатларнинг олдини олиш, биринчи навбатда террорчиликни маълум билан таъминлаётган марказларни илдизи билан йўқотиш зарурлигига жаҳон офкор оммасини даъват этган Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг туриш халқаро йиғилишларида қилган даъватларини яхши эслаймиз.

Қалаверса, терроризм нима эканлигини бошимиздан ўтказдик. Тошкентдаги 16 феврал воқеаларини, бундан олдинки йилларда юртимизнинг

айрим ҳудудларида юз берган ёвуз ниятли террорчиликнинг хуружлари ҳали ёдимизда. Уларнинг ҳаммаси муносабати зарбага учради. Хўш, муносабати ана шундай воқеаларга тегишлича жавоб берилишини таъминлаш мақсадида жуьда катта тадбирларни амалга оширди.

Юз берган даҳшатли воқеадан дунёдаги барча давлатлар тегишли хўшсулар ҳаракатларини бириктириб, террорчиликка қарши мустақам қалқон яратадилар, деб умид қиламиз. Айбдорларни топилгани ҳамда жағога тортилишига ишонимиз.

Ҳалок бўлган кишилар оилаларига, қариндoш-уруғларига ўз таъминини билдиришимиз, биз ҳам америкаликлар билан ҳамдардимиз, уларга Алоҳудан сабр-тоқат тилаймиз.

Саодат УСМОНОВА,
Сайфиддин ЙЎЛДОШЕВ,
Абдулла ИБОВДОВ,
уруш ва меҳнат фахрилари.

Тинчлик йўлида бирлашайлик

Америка Қўшма Штатларининг Нью-Йорк, Вашингтон ва бошқа шаҳарларида мисли кўрилмаган таҳдид қилинган билан амалга оширилган, минг-миңлаб одамларнинг ёстигини қуритган террорчилик ҳаракатлари сайёрамиздаги барча солом фикрли инсонлар қатори менинг ҳам нафрату гўзабимни кўзгади. Бу ҳўнрэнгликни таърифлашга тил ожизлик қилади.

Мухтарам Президентимиз Ислам Каримов ўз маърузаларида, китобларида халқаро терроризм деган ҳақимга, бутун сайёрамиз бошига келган бало тўғрисида кўп бора катий сўз айтган. Ҳатто бирлашган Миллатлар Ташкилати минбаридан бутун жаҳон аҳлини хўшбўлиқка чорлаган эди. Мана, 1999

йилнинг 16 февралда Тошкентда ўзининг жижакан панжасини намойиш қилган халқаро терроризм бутун уммон ортида муҳажир жиноятга кўл ўрди. Мазкур жиноятни содир этганлар жазоланиши мўқоророр. Аммо портлаш ва ёгинлар ичиде энг бебаҳо неъмат — инсон умри эмасми?!

Америка қитъасида юз берган муносабат жаҳондаги барча одамларни тинчлик, осойишталик, эзулик йўлида бирлашишга, бир ёқадан баш чиқариб халқаро терроризм номли офатни тағ-томири билан қўп-риб ташлашга чорламоқда!

Қамол РАҲИМОВ,
Қорақалпоғистондаги
«Юлдаш» ҳиссасдорлик
жамияти раиси.

Аҳиллик қўрғони

«Обод»га ободлик қайтди

Маҳаммаджон ака учун ўтган сайлов ҳам осон кечмаган. «Обод» маҳалла фуқаролар йиғини оқсоқоллигига уч кишининг номзоди қўйилган эди. Уч кишининг ичидан кўпчиликлари Маҳаммаджон Хайдаровни ташлаб хато қилишмаганини кейинчалик тушинишди. «Обод»ликлар, асосан, ерли уйларда яшашгани учунми ўзларини табиатан эркинроқ ҳис қилишади. Бу гал ҳам оқсоқолликка бир эмас, иккита номзод қўйишди. Оқсоқол сўбатимизни сал оқроққа сурганиклариининг сабабини ана шундан кейин тушиндим. Йўқ, хавотирга эҳтиж йўқ экан. Маҳаммаджон ака вакилларнинг 99 фоиз овозини олиб, иккинчи мўддатга ҳам оқсоқолликка сайланди. 15 мингта яқин аҳолиси бўлган маҳаллага оқсоқоллик қилишининг ўзи бўлмайди. Ҳеч кузатганимиз «маҳаллачилик» аъёнлари кўп қаватли уйлардан кўра ерли уйларда чўқур илдиш отган бўлади. Ерли уй шариғатида ҳамма иш, ҳатто юриш-туришининг гача маҳалланинг кўзи олдига кетмади-да. Маҳалладан қочиб қайда ҳам борасан. Шу боис сайловлар ҳам бу ерда хийла бошқача — ошқора ва руй-рост ўтади.

диз унда Маҳаммаджон ака қандай қилиб иккинчи мўддатга ҳам 99 фоиз овоз билан сайланди? Тўғри, бу ўз-ўзича ва даров бўлгани йўқ. Маҳаммаджон ака ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда узоқ ишлаган эмасми, ишни аввало, маҳаллада тартиб-интизом ўрнатишдан бошлади. Маҳалланинг бири оилага қўйиш-чиқди, иккинчиси ўғрилиқ ва ичкиликбозлик. Аввало, бу иллатларнинг илдишларини қидирдим. Хўш, ўғрилиқ қардан пайдо бўляпти, нега бундай ҳолат маҳаллада кўпайган? Ана шу масала устида қаттиқ ишладик. Бунга, бир томондан, уй эгаларининг беларволиги сабаб бўлса, иккинчиси — участка ноирларининг маҳаллага назоратини чўқур бўлмалиги, таҳлил қилиб бормаслиги, қамоқ мўддатини ўтаб келганларни ўз ҳолига ташлаб қўйиш ҳолатлари сабаб бўла-

тган экан. Касалга тўғри ташхис қўйсанг тез шифо топганидай, бу ҳолатларнинг ҳам тезда чорасини топдик. Натيجида ичкиликбозлик 70 фоизга, гиёҳвандлик 90 фоизга камайди, ўғрилиқ деярли содир бўлмапти. Ажралиш даражасига етган 44 та оилавий жанжалнинг 38 таси маҳалла аралашуви билан ижобий ҳал этилди. Учтаси суд орқали ажралди, 6 таси шундайлигича турибди.

— Яна бир тadbир қўладик, — дейди Маҳаммаджон ака. — Маҳалла билан боғлиқ шикоят ва аризаларни шу ернинг ўзида ҳал этилиши ва мурожаат қилинишига эришдик. Тўғри-да, битта шикоятни баъзилар бир эмас, иккинчиси идората жўнатили. Холбуки, уни шу ернинг ўзида ҳам ҳал қилса бўлади. Қанчадан-қанча идоралар овора бўлиб келишди ёки қанчадан-қанча қозғос исроф бўлади. Икки йил мобайнида 60 та яқин ариза ва шикоят тушган бўлса, шундан 90 фоизи маҳалланинг ўзида ҳал қилинди. Ҳозир биров ишдан бўшатилса ҳам маҳаллага мурожаат қилиш одат тусига кириб борапти. Биз ҳам бу менинг ишим эмас, деб қараб турганимиз йўқ. Иккитанимиз борибча аралашамиз, ёрдам берамиз.

Исмаил ХУДОЁРОВ, «Жалқ сўзи» мухбири.

2001 йил — Оналар ва болалар йили

Онаси соғиниб боласи соғ

— Бошқа жабҳалар қанчалик ривож топмасин, аграр оналар ва болалар саломатлиги масаласи биринчи ўринда қўйилмас экан. Жамиятнинг бир томони кентликларга қоларкан, — дейди Нурота тумани ҳокими муовини Бегмат Жўмаев. Чиндан ҳам, истиқлол йилларида Нуротада иқтисодий соҳада қувонарли ютуқларга эришилди. Туман марказида ва тоғли қишлоқларнинг ҳар бирида замонавий шифо маҳаллари қад ростланди. Эскилари қайта қурилди. Тумандаги қишлоқларда 7 та шифохона, 4 та врачлик, 3 та фельдшерлик пунктлари тиббий асбоб-ускуналари Европа тараққиёт ва тикланиш банки сармояси ҳисобига келтирилди. Бундан ташқари, врачлик пунктлари 6 миллион сўмлик, фельдшерлик бўлимлари 2 миллион сўмлик жиҳозлар билан таъминланди.

Бутунга эмас, туман марказида 20 ўқув, 5 та оқсоқолликда барча қўлайликларга эга бўлган тез ва шонлилик ёрдам пунктлари ташкил этилди. Яқинда туман аҳолиси мамаклатимиз тиббиётидаги улкан яттиликдан воқиф бўлишди. Марказий шифохонанинг тугруқхона биносини тиклаб, унда Финляндиянинг «Медико-мелитал» фирмаси ишлаб чиқарган жасдон асосларидаги замонавий асбоб-ускуналар мажмуи ишга туширилди. Бу ноб ақшерлик тиббиёт жиҳозлари Жаҳон банки ажратган 61 миллион 200 минг АҚШ доллари қийматидаги кредити ҳисобига келтирилди.

Ташкент ва Гулистон шаҳарларидан сўнг айнан Нурота туманида шундай замонавий асбоб-ускуналарнинг ўрнатилиши чорваларига қўрсатилган бекбег тамтирликлар. — дейди вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошқари муовини Юнус Авезов. Тугруқхона жиҳозларини ўрнатиш учун вилоят маҳалла бюджетидан ҳам 20 миллион сўм сарфланди. «Сардор-2000», «Шодия», «Уст», «Виктор» фирмалари, «Нуротамар» ҳусусий жамоа корхонаси каби жамоалар, ўзлаб тadbиркорлар ҳам шифо маҳаллига янчагина сармоя ажратди.

Биз туманда бўлганимизда оналар ва болалар йили дастури доирасида яна бир савобли тadbирини эшитадик. «Соғлом авлод учун» ҳалқроқ хайрия жамғармаси томонидан туман таъин пунктига 1 миллион 250 минг сўмлик бино, 2 текстар мевали боғ, ун тегирмони, меҳмонхона, ҳаммом мажмуи тақдим этилди. Бу ерда ёшларнинг спорт маркази ҳам фойдаланишга топширилди.

Оналар ва болалар соғлигини муҳофаза қилиш мўддатимиз пайдаровини мустахкамлашга қўйилган энг муҳим ишдир. Соғлом фарзанд эса фақат соғлом онадан дунёга келади. Нуротада ҳар бир она ва болани дунёга табиий назоратда, меҳр оғушида, Демак, қадим Нуротанинг бутунлидан эртаси янада парвоз.

Абдуваҳоб ПИРАТОВ, «Жалқ сўзи» мухбири.

КИЧИК ЗАВОДНИНГ КАТТА ҚУДРАТИ

Мамаклатимизнинг энг шимойий тумани ҳисобланган Тахтақўпирда ҳам замонавий саноат қишлоққа кириб бормоқда. Ибратли ишлари билан тилга тушган жамоа — «Тахтақўпир» ширкат хўжалигида йилига 1200 тонна кунгабоқар ёғи ишлаб чиқаришга мўлжалланган мини завод фойдаланишга топширилди.

— Сув тақчиллиги ишимизни бутунги шарт-шароитлар асосида қайта ташкил этишга ундамоқда, — дейди ширкат хўжалиги раиси, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутаты Ақитой Адилов. — Кунгабоқар маълум даражада сувни камроқ талаб этади. Шунинг учун ана шу экинни кўпроқ экишга ва ундан ёғ олишга киришилди!

Янгибой КҮЧҚОРОВ, «Жалқ сўзи» мухбири.

Марказ иш бошлади

Чортоқ туманида «Матлуботчи» деб номланган соғломлаштириш маркази иш бошлади. Марказни Наманган вилоят «Матлуботсавдо» ҳиссдорлик компанияси ўз фойдаси ҳисобидан қурди. Компания тизимидаги туман матлубот жамиятлари қошидаги қурилиш ташкилотлари ҳамда компанияга қарашли қурилиш-таъмирлаш корхонаси бунёдкорлари қисқа вақт ичиде 150 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажардилар. Соғломлаштириш маркази учун 71 миллион сўмлик жиҳозлар сотиб олинди. Марказда бир йўла 30 киши даволаниб, ҳордиқ чиқариши кўзда тутилган.

Ўз мухбиримиз.

Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида гапирилган эди

Юртимизимиз Ислам Каримов Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 1-ярми ақунларига бағишланган йиғилишида сўзлаган нутқида йирик бизнес билан кичик ва ўрта бизнес ўртасида корпоратив алоқалар тизимини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга эканлигини, бу пировард натижада фақат йирик бизнес ҳамда кичик ва ўрта тadbиркорликни жадал ривожлантирибгина қолмай, бутун мамлакат иқтисодийнинг жадал ўсишига бевосита таъсир қилишини алоҳида таъкидлаган эди. Ана шу вазифа асосан мамлакатимиздаги йирик саноат, қурилиш, ишлаб чиқариш мажмуаларига хизмат кўрсатишга иқтисослаштирилган «Ўзсанотқурилишбанк» тизимига бевосита тааллуқлидир.

Шу йилнинг 6 ойи мобайнида эса 136 талдан зиёд кичик ва ўрта бизнес субъектларига қарийб 400 миллион сўм кредит берилди. Бу йиллик режага нисбатан 57 фоиз кўпдир. Фақат шунгина эмас. Йилги банк кредитлари асосан савдо ва тижорат мақсадларига йўналтирилди. Эндиликда жамоа ана шу эски аъёнандан тамомла вақт кечиб йўлидан бораяпти. Масалан, ҳозирча кредитларнинг 23,8 фоиз қишлоқ хўжалиги, шу жумладан, чорвачиликка, 35,6 фоиз эса ишлаб чиқаришни ривожлантиришга сарфланди. Тижорат мақсадлари учун ажратилган

эса 71 та лойиҳа бўйича 93,4 миллион сўмлик кредит берилди. Шундан 33 миллион сўми нақд пул сифатида микозларга тарқатилди. Хўжалик юритувчи субъектларга микрокредитлар ажратиш масаласи ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда. Хусусан, шу йилнинг ўтган мўддати мобайнида уларга 93,4 миллион сўмлик микрокредитлар берилди. Бу маблағнинг 82 миллион сўми чорвачиликни ривожлантиришга ишлатилди. Хўш, ана шу кредитлар вилоят иқтисодиёти ривожига қандай таъсир қўраётгани? Сармоялар етарли самара бераёт-

монтаж қилиш ҳамда хомашё харид этиш учун банк буттур корхонага 30 миллион сўм кредит ажратган эди. Пировардида бир мавсумдаёқ 100 тоннадан зиёд помидор қайта ишланиб, харидорлар шарафат тайёрлашга эришилди. Бу маҳсулотнинг дастлабки қисми, табиийки, белоруслик шерикларга жўнатилди. Умуман, ўтган даврда «Памакс» фирмаси охунбобоевликлардан 100 минг АҚШ долларлик маҳсулот сотиб олди. Бундан ташқари, Россиянинг Тюмен шаҳридаги «Сивовош» ва «Благала» фирмаларига ҳам 170 минг долларлик маҳсулот юборилди. Яна бир янгилик шуки, бундан 2 ой аввал корхонада мевани қайта ишлаш линияси ҳам ишга туширилди. Ҳозир

КОРПОРАТИВ АЛОҚАЛАР ШАКЛЛАНМОҚДА

Шуни айтиш керакки, ушбу банкнинг Фаргона минтақавий филиали ақин вақтларга вилоят саноатининг гигантлари ҳисобланган Фаргона нефтин қайта ишлаш корхонаси, «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмаси, қўйинчи, худуддаги мавжуд кимё ва нефть саноати корхоналарига хизмат кўрсатар, лекин кичик ва ўрта бизнес субъектлари деярли эътибордан четда қолган эди. Унинг Фаргона ва Қирғули туманларидаги бўлимларида эса кичик ва ўрта бизнес субъектлари учун умуман ҳисоб очилмаган, уларга кредит бериш ҳақида эса гап ҳам юртитилмас эди.

Утган йилдан бошлаб манзара ўзгари: кичик ва ўрта бизнес субъектлари банкнинг асосий микозларидан бирига айланмоқда. Агар 2000 йилда банкнинг минтақавий филиали ва унинг бўлимларида 519 та кичик ва ўрта бизнес субъекти учун ҳисоб рақами очилиб, хизмат кўрсатилган бўлса, шу йил биринчи ярмининг ўзида микозлар сони 800 талдан ортди. Азалдан хўнарманлар ва тadbиркорлар шахри — Марғилонда эса буттур 130 та мижоз мажмуи банк филиали билан ҳамкорлик қилган эди. Жорий йилнинг 6 ойида яна шунча мижоз у билан ишлаш истагини бил-

дири. Филиалнинг Қирғули ва Марказий бўлимлари ҳам худди шундай ўсиш суъятларини кузатиш мумкин. Бу ютуқлар, албатта, ўзаро ишонч самарасидир. Аммо унга ўз-ўзиндан эришлаетгани йўқ. Аввало, вилоятдаги мажмур кекса банкнинг ўзига эса аъёнлари бор, доимий мижозларига эга. Шу боий у билан

кредитларнинг асосий қисми ҳам бутун қундалик эҳтиёжни қондирадиган маҳсулотлар ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларига йўналтирилмоқда. Тизимда, айниқса, имтиёзли кредитлаш жамғармасини шакллантириш банк фаолиятининг етакчи йўналишларидан бирига айланаяпти. Шу йилнинг ўтган ойлари мобайнида

тим? Жавоб тариқасида биргина мисол келтирмоқчимиз. Фақат шу йилнинг 6 ойи ичиде кредитлар ҳисобига 317 та янги иш ўрни ташкил этилди. Кичик ва ўрта бизнес субъектларининг қувватлари оширишга 800 миллион сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Асосий мақсад ушбу корхоналарнинг яли маҳсулот ҳажмининг 2 миллиард сўмликка етказишидир.

Қишлоқ корхонаси маҳсулоти — жаҳон бозорига

Мабодо йўлининг тушиб, Беларусь Республикасининг Минск шаҳрига бориб қолсангиз, албатта, «Памакс» фирмасига қарашли ошқоналарга кириб. Бу ерда тайёрланаётган турли қандолат маҳсулотлари ва таомларга, биласизми, Фаргонанинг Охунбобоев туманидаги «Раскар-2000» фирмаси корхонаси маҳсулоти — помидор шарабти маза киритмоқда. Гап шундаки, ушбу фирма жамоа билан бир неча йилдан бери белорусликлар билан ҳамкорлик қилиб келаяпти. Утган йилнинг сентябрь ойидан бошлаб фирмада помидор шарабти ишлаб чиқарилаётган. Бунда банкнинг муносиб ҳиссаси бор. Чунки технологик ускуналар сотиб олиш, уни таъмирлаш,

бу ерда ўрик, шафтоли шарабтлари жаҳон андозларига мос қадққлиниб, экспортга чиқаришга тайёрланмоқда. Улар ҳам, албатта, белоруслик ва сибирик қарпоиларга тортиқ этилади. Бугунги кунда «Раскар-2000» йилига 300 тоннадан зиёд қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва қадққлаш қувватига эга. Энг муҳими, янги корхона шарофати туғайли 30 дан зиёд қишлоқ билари доимий иш ўрнига эга бўлдилар. Қўқон шаҳридаги «Ўз-ХАН Ко ЛТД» фирмаси ҳам шу йил бошида ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва хомашё сотиб олиш мақсадида банкдан 50 миллион сўм кредит олган эди. Бу маблағ ердаги корхона оёққа туриб олди. Қисқа вақт мобайнида салкам 65 миллион сўмлик турли маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши шундан далолат беради. Унинг 625 минг сўми соф фойлага қолди. Айни кунларда фирмада 125 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда.

Ишончда гап кўп

— Авваллари вилоятдаги бошқа банклар билан ҳамкорлик қилардик, — дейди Фаргона шаҳридаги «Шаҳриёр» ишлаб чиқариш фирмаси раҳбари Дилмурод Шарофидинов.



— Бугун уларни камситмоқчи эмасман. Лекин кредит оламан, деб қанчадан-қанча хужжатлар тайёрлаганимиз, шунга қарамастан, 2-3 ойлаб мўддага эриша олмаганимиз сир эмас. «Ўзсанотқурилишбанк»нинг Фаргона минтақавий филиалидан эса ариза берилган кунининг эртасигаёқ 2 миллион 400 минг сўм микозда кредит олдик. Тагин денг, хужжатларининг ярмидан кўпрогини қайтариб беришди. Кредит эса аввалгидек бир йилга эмас, 3 йилга имтиёзли шартларда берилди. Тadbиркорлар билан ишончли, ўзаро ҳурмат эътибор асосида ишлайдиган банк ҳам бор экан-ку!

Бундай илқ гапларни эшитиш филиал жамоаси учун мароқли, албатта. Бу уларни ўз навабатида янги ишларга илҳомлантирмоқда. Масалан, Мустақиллик байрами арафасида банкда тadbиркорлар ва ишбилармонлар учун яна бир қулайлик яратилди: имтиёзли кредитлаш фондидан ажратилган сармояни бир кунда уларнинг ҳисобларига ўтказиш йўлга қўйилди. Эътиборлиси, йирик бизнес билан кичик ва ўрта бизнес ўртасида корпоратив алоқалар тизимини тобора шакллантириш мажмуи банкнинг обуруэтиборини оширибгина қол-

Икром ҲУСОБОВ, Набижон СОБИР, «Жалқ сўзи» мухбирлари.

СУРАТЛАРДА: «Раскар-2000» корхонаси ишчилари ўз меҳнати маҳсулидан мамнун; «Ўзсанотқурилишбанк»нинг Фаргона филиали бошқарувчиси Эркин Мадалиев банкнинг кредит маблағига қурилайтган ишшоқта.

Advertisement for «Пахта Банк» (Cotton Bank). The ad features a central image of a cotton field with a tractor. Text includes: «Юртимиз пахтакорлари, деҳқонлари диққатига!», «АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ», «ПАХТА БАНК», «мамлакатимиз қишлоқ хўжалик меҳнаткашларини қўллаб-қувватлаш, қулай имкониятлар яратиб бериш мақсадида 2001 йил 10 сентябрдан 1 ноябргача бўлган давр мобайнида 7 ой мўддатга очилиб, йиллик 55 фоиз даромад тўланадиган «Ҳосил» жамғарма омонатини таклиф этади. Ушбу омонатга маблағингизни «Пахта Банк»нинг исталган филиалига қўйишингиз ва ҳар ойда фоизли даромадингизни олиб боришингиз мумкин. Хирмонингиз баракали бўлсин, азиз юртдошлар! Тўлиқ маълумот олиш учун қуйидаги телефон рақамларига кўпроқ қилишингиз мумкин: 173-25-56, 78-10-32. «Пахта Банк» фаровонлигингиз калитидир!

Қалб садоси

Ўзбекистон

Беш кун кўрмасанг бўлмас — хумори бор, бу юртининг,
Ғаним суқи қор қилмас — тумори бор, бу юртининг.

Воҳаси бор — чўллари офтоб ўйнаб куймағай,
Водийси бор — эллари меҳмон кутиб тўймағай,
Айтинг, жанинати кўрса қимнинг меҳри иймағай,
Қиши, кўз, саратони, баҳори бор, бу юртининг.

Тоғлари бор тумансиб, кўримидайи бошлари,
Дарёлари айқириб, сувин қайғар тошлари,
Бозларини тарқ этиб кетолмайди қишлари,
Лочини, қарчғайни, ҳам сори бор, бу юртининг.

Даштида бир туп тикон озиқ берар юз кўйга,
Тўқайин ҳар қамши бўйра бўлар бир ўйга,
Қайрағочин сояси қурқик қилар зўр тўйга,
Танига арқон етмас чинори бор, бу юртининг.

Етмиш хил неъмат битар ҳар бир қарич ерида,
Дехқони ҳам воқифдир палдуларнинг сиридан,
Фозиллари гал бермас, билимда бир — бирига,
Дунёга машхур зиё бозори бор, бу юртининг.

Мағрибининг — да, Машиқнинг кўзин олар тилласи,
Ер шарини шойига ўраб кўр пилласи,
Оламини овутирар оналарин алласи,
Шоҳу гадоси шоир, ашвори бор, бу юртининг.

Ақисса, Ҳақнинг ўзи назар солган ўлка, бу,
Оқолиқ — олиш матлаб, ҳуралик — азалаш орзу,
Истиқлол яшаб, абад, иқболи қулғай манзу,
Улуғ айёми бисёр, алёри бор, бу юртининг.

Беш кун кўрмасанг бўлмас — хумори бор, бу юртининг,
Ғаним суқи қор қилмас — тумори бор, бу юртининг.

Хол Муҳаммад ҲАСАН.

Наشريёт тухфаси

«Истиқлол йилномаси»

Ғафур Фулом номидagi Адабиёт ва санъат нашриёти Мустақилликнинг 10 йиллигига атаб, В.Тюрков, Р.Шоғуломовларнинг қаламига мансуб «Истиқлол йилномаси» китобини босмадан чиқарди. Унда Ўзбекистон Республикасининг сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётида 1991 августидан — 2001 йил февралигача бўлган даврда рўй берган энг муҳим воқеалар ва фактлар баён этилган.

Китоб давлат ва ижтимоий тузум, иқтисодий, ижтимоий бозор иқтисодиёти тузилмалари, таълим, фан, маданият ва ижтимоий ҳаёт, соғлиқни сақлаш, спорт, Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида деб аталган қисмлардан ташкил топган.

Янги нашр кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган ва уқитувчилар, ўқувчилар, умуман, Ўзбекистон Мустақиллиги тарихи билан қизиқувчи барча кишилар учун доимо иш столида турадиган, ҳар кун фойдаланиш учун зарурат тугилмайдиган бебаҳо қўлланмадир.

«Янгиланишдан-буюк ўзгариш сари»

Нашриёт Муртазо Қаршибоевнинг «Янгиланишдан-буюк ўзгариш сари» китобини ҳам кенг муштарийлар оммасига тухфа этди. Мамлакатимизнинг ўзига хос мустақил тараққиёт йўли, ўзбек модели, дея эътироф этилган бу йўлнинг ижтимоий-сиёсий зарурати, назарий асослари, сиёсий-фалсафий моҳияти, амалий натижалари тўғрисида ҳикоя қилувчи «Уз йўлини топган юрт» ҳамда миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва тамойиллари ҳақидаги «Бунёдкор халқ ғояси» номли рисо-лалари, шунингдек, турли йилларда матбуотда чоп этилган миллий қадриятларимиз, оғоҳлик, жамияти-миздаги ўзгариш ва янгиланишлар-да инсоннинг ўрни хусусида баҳс юритувчи мақолалар ўрин олган.

Тўплам мулоҳазаларнинг мантқиқийлиги, фикр ва мушоҳадаларга бойлиги ҳамда раво услуби билан китобхонлар эътиборини ўзига тортади.

Қишлоқда — институт

Қумқўрғон туманининг Бешқаҳрам қишлоғида «Ёшлар муаммолари» деб номланган нодавлат, ноти-жорат ташкилот — институт иш бошлади. Институт ижтимоий таъқиқчилик ва ёшларга билим, хунар ўргати-шининг устувор йўналишлари масалалари билан шу-ғулланиди.

Институт ўз фаолиятини қишлоқ ёшларининг ма-қоладаги, ўқув муассасаси ва ишлаб чиқариш корхона-ларидagi ўрни, мактеб йўналишида мониторинг ўткази-шидан бошлади. Ёш оналарнинг яшаш ҳамда ишлаш шароитлари билан қизиқмоқда.

Янги ташкилотнинг режалари ранг-баранг — халқ-қаро ташкилотлар билан ҳамкорлик ўрнатиб, қишлоқ жойларида янги иш жойларини яратиш, халқимизнинг қадимий хунармандчилик санъатини қайтадан тиклаш, ҳар бир қишлоқда тадбиркорлик тўғрақларини очиш-дан иборат.

О. УСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Иккинчи истеъдод намойиши

Кун кеч бўлиб қолган эди. Шунга қарамай «Юнусобод» теннис кортларига мухлислар оқиб кела бошлади. Беихтиёр мусобақалар жадвалига кўз югуртирамиз. Ҳа, мана энди ҳаммаси равшан. Ҳозир мар-қабат кўрта «Президент кубо-ғи»нинг ўтган йилги соҳи-би Марат Сафин ва Ноам Окуи (Исроил) чиқар экан. Шу учрашув тўғрисида билан эса росси-ялик яна бир теннис юлду-зи Евгений Кафельниковнинг ўйини бошланади.



М. Сафиннинг нафақат катта ракетка устаси, балки яхшиги-

на футболчи эканлигига гувоҳ бўлишди. Маратнинг теннис коптоғини футбол тўпидек оёғида ўйнатиши унинг ик-кинчи истеъдодидан дарак бер-ди ва ҳақли равишда йигил-ганларнинг олқишига сазавор бўлди.

Бевосита баҳсларга қайта-диган бўлсак, исроиллик теннис-чи М.Сафинга деярли қарши-лик кўрсата олмайди. Назари-мизда, Маратнинг ўзи мухлис-лар ўйин кўрсин учун учра-шувнинг узоқроқ давом эти-шини ташминлади. Шунинг-учун ҳам ҳисобда катта устун-лик сезилмади — 6:4, 6:4.

Евгений Кафельников билан германиялик Ларс Бург-мюллер беллашувида ҳам юқоридagi вазият такрорланди

теннисчимиз жуфтлик баҳсла-рида ҳам зафар кўчди. Чехия-лик Даниел Вашек билан бир-галикда кейинги босқичга йўл олди.


Мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилаётган яна бир ва-килимиз Вадим Кушенко ҳам Олеган Урнок олса керак деб ўйлагандик. Афсуски, ўйлаган фикримиз яхши ниятлигича қолди. Вадим унчалик кучли бўлмаган Стефан Кубека икки сетла (4:6, 2:6) имкониятни бой бериб қўйди.

Тайландлик Парадом Шри-чанан мухлисларни қойил қол-диришда давом этмоқда. У кеча иккинчи давра ўйинларини бошлаб берди ва навбатдаги ажойиб ғалабани қўлга кирит-ди. Бу сафар унинг айланма зарбаларига Тэйлор Дент (АҚШ) бардош бера олмайди — 6:4, 6:2.

Дарвоқе, кечаги кун мусо-бақалари Америка Қўшма Штатларида содир этилган тер-рористик ҳужумлар тўғрисида ҳалок бўлганларни ёллаб, бир дақиқа сукут сақлаш билан бошланади.

Саргис Саркисян (Армани-стон) ҳам чорак финалга йўлангани нақд қилди. «Пре-зидент кубоғи»нинг доимий иштирокчиларидан бирига ай-ланган Саргис бу гал италия-лик Жанлука Розини қортдан бош эгиб чиқишга мажбур қил-ди. Биринчи сетда Саркисян-нинг рақиб деярли қаршилик кўрсата олманган бўлса, иккин-чи сет ўйини бошқача «сие-нарий» остида кечди. Натияжа-да беллашув тай-бреккача етиб борди. Ва барбир омад Сарки-сянга қулиб қолди.

Мусобақалар учинчи кун-ининг охири беллашувида мар-қазий қортга жуфтлик баҳсла-ри ўтказилди. Унда М.Сафин М.Россе билан биргаликда ис-роиллик жуфтлик — Ж.Эрлич



ва А.Рамларга қарши қортга ту-шишди. Энг қизиғи шундаки, бугун яқка баҳсларнинг чорак финалгига бериладиган учра-шувда Сафин ва Россе ўзаро беллашадилар. Спорт мусобақа-лари мана шуниси билан қизиқ-ла. — Марк билан икки марта рубару келганман, — дейди М.Сафин. — Бир ғалаба, бир мағлубият. Тошкентда учинчи марта қортга чиқамиз. Мени-чин дилдан қўллаб-қувватлаёт-ган мухлисларни ранжитмас-ликка ҳаракат қиламан. «Пре-зидент кубоғи» мен учун қад-дон бўлиб қолди. Шунинг учун

ҳам «US open»дек йирик тур-нирда ярим финалгача етиб бориб, анча куч йўқотган бўлишимга қарамай Тошкен-та келишга қарор қилдим. Чунки мухлисларнинг мени яхши кўришини доим сезиб тураман. Ва бу жуда катта мамнуният баҳси элади. Мен ҳам ўзбекистонлик ишқибоз-ларни яхши кўраман.

Озод БЕК, Н.МУҲАММАДЖОНОВ «Халқ сўзи» мухбирлари.

«ХАЛҚ СҮЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Тахрир хайъати:

- Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир Уринбосари — «Халқ сўзи»), С. ЗИНИН, М. МИРАЛИМОВ, С. МУҲИДИНОВ, Ш. РИЗАЕВ, М. САФАРОВ, Р. ФАҲОДОВ, И. ХУДОЙЕР, И. ШОҒУЛОМОВ, О. ҚАЙПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир Уринбосари — «Народное слово»), Ҳ. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

- Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92
Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65
Маълумот ва маърифат — 136-35-60; 136-29-89, 133-07-48;
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар — 132-12-08;
Фан, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими — 132-11-15;
Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 133-10-28;
Котибхона — 136-09-25;
Эълонлар — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган. Бунорتما Г — 2815, 20397 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

Газета тахририят компьютер базасида термалди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ. Навбатчи муҳаррир — Ф. САНАЕВ. Навбатчи — Ҳ. КАРИМОВ. Муасхххх — Ш. МАШРАБОВЕВ.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди. П — тижорат материали.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топшириш — 2.10 1 2 3 4 5 6

ХОНИМЛАР ВА ЖАНОБЛАР!

ДАВЛАТ АКЦИОНЕРЛИК ТИЖОРАТ

«АСАКА» БАНКИ

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ БЎЛИМИ

сизга қуйидаги хизматларни тақдим этади:

1) аҳоли омонатлари бўйича фойз устамаларини:

Table with 2 columns: Омонат тури, % устамалари. Rows include: Мустақиллик байрами 10 йиллиги муносабати билан янги «Табассум» омонати (45 кунда 6%), Талаб қилиб олагунча «ОРЗУ» (йиллик 14%, ҳар ойда 3,5%), (3 ойдан кам бўлмаган муддат билан) Муддатли: 6 ойдан 1 йилгача (йиллик 35%), 1 йилдан 3 йилгача (йиллик 42%), 3 йилдан 5 йилгача (йиллик 65%).

2) фойзалари ҳар ойда ҳисобланиб, ҳисоб-рақамлардаги қолдиқларга қўшиладиган ойига 3% устамали депозит пластик карточкаларини.

Ўз омонатларингизни тез ва истаган вақтингизда олишингиз мумкин.



Тошкент ш., Яккасарой тумани, И.Оқилов кўчаси, 40-уй. Тел.: 120-84-08, 120-84-04.

Реклама ва эълонлар 136-09-25

Тадбиркор мактаб қурди

Ғе қишлоқи Уруғ туманининг энг аҳоли зич жойлашган тоғи ҳудудларидан. Сунги пайтларда бу ерда аҳоли сонининг ортиб бориши билан қишлоқ аҳолиси таълим қилиб келётган 320 ўринди мактаб буғунги кун талабига жавоб бермай қолди. Буни ўз вақтида англаб етган шу

қишлоқлик ака-ука тадбиркор Акбар ва Садамурод Нуруллоевлар ўзларининг шахсий маблағлари ҳисоби-га 550 ўринлик икки қаватли мактаб биносини қуриб берди. Албатта, умумий лойиҳаси салкам 45 миллион сўм турадиган ушбу замонавий мактаб биносини барпо этишда

ҳамқишлоқлари ҳам қараб туришмади. Аини пайтда мактаб уқувчилари кенг, ёруғ хоналарга билим олишмоқ-да. Келгусида эса ака-ука тадбиркорлар ушбу мактаб учун компьютерлар харид қилишни режалаштириш-ган. «Туркистон-пресс».